

Руқя: Қуръон билан даволаш



09:05 / 21.06.2021 2873

Қуръон билан даволаш (руқя қилиш) – касалга шифо топиш мақсадида Қуръон ўқиб дам солиш жоиздир. Бунинг эвазига ҳақ олиш ҳам жоиз.

Руқя – турли ёмонликлардан паноҳ сўраб, шунингдек, оғриқ, кўрқинч, шайтон ва сеҳрдан тузалишни сўраб ўқиладиган зикрлар. Буларни ўқиб дам солиш ҳам руқя дейилади.

Бухорий ва бошқа имомлар Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилишади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор киши хаста бўлиб қолса, муъаввизотлар (Фалақ ва Наас суралари) билан дам солардилар».

Бошқа бир ривоятда: «Касал бўлиб қолсалар, муъаввизотларни ўқиб ўзларига дам солардилар. Вафот топган касалликларида хаста бўлиб ётганларида у зотга ўзим дам солардим, ўз қўллари билан ўзларини силардим, чунки (қўллари) қўлимдан кўра баракотлироқ эди».

Бухорий, Муслим ва бошқалар Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишади:

«Юришлардан бирида (бир жойда дам олгани) тушдик. Бир жория келиб, «Қабиламиз бошлиғини чаён чақиб олди. Эркакларимиз йўқ. Ичингизда дам соладиган одам борми?» деди. Бир киши туриб, у билан бирга кетди. Биз унинг дам солишини билмас эдик. У дам солган эди, (қабил бошлиғи) тузалиб қолиб, унга ўттизта қўй (беришни) буюрди, бизларга сут улашди. У қайтгач, «Дам солишни яхши биласанми? (ёки «Дам солиб юрармидинг?»)» дедик. У: «Йўқ, Уммул-китоб (Фотиҳа сураси) билан дам солдим, холос»,

деди. «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга боргунимизча (ёки сўрагунимизча) ҳеч нима қилмай туринглар», дедик. Мадинага келгач, буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтдик. У зот: «Унинг руқя эканини қаердан билибди? (Қўйларни)тақсимланглар, менга ҳам улуш ажратинглар», дедилар».

Шофеъий ва бошқалар ушбу ҳадисни далил қилиб, юқорида айтилганидек, Қуръон қироати эвазига ҳақ олиш жоиз дейишган. Уларнинг наздида таълим учун қироат қилиш билан даво учун қироат қилишнинг фарқи йўқ.

Бироқ, ҳанафий мазҳаби уламолари ушбу ҳадисга жавобан шундай дейишган: «Руқя тиловатнинг ўзи эмас, ундан мақсад даволаш. Даволаш учун эса ҳақ олиш жоиздир».

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.